

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

САМАРҚАНД КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ

SAMARKAND CONFICIUS INSTITUTE

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАР: ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ**

**GLOBAL AND NATIONAL VALUES ALONG GREAT SILK
ROAD: LANGUAGE, EDUCATION AND CULTURE**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Самарқанд, 2017 йил 23-24 июнь

PROCEEDINGS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

Samarkand, 23-24 June 2017

Самарқанд-Шанхай, 2017
Samarkand-Shanghai, 2017

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА МОДАЛ СЎЗЛАР: ТАДҚИҚИ ВА ПРАГМАТИК ТАЛҚИНИ МУАММОСИ

Ганиева Г.Э., ТошДЎТВАУ

Ўзбек ва инглиз тилшунослигида модал сўзларнинг морфологик хусусиятлари тадқиқ объекти бўлган.

Бу муаммо ўзбек тилшунослигида Р.Комилжонова томонидан махсус ўрганилган. ¹ Олима ўзбек тилидаги модал сўзларнинг морфологик хусусиятлари, семантик таснифи, гапдаги синтактик мавқеи юзасидан атрофлича маълумот берган.

Ўзбек тилидаги модал сўзларнинг моҳияти олий ўқув юртлари талабалари учун тайёрланган қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам ёритилган. Модал сўзларнинг лингвистик табиатини ёритишга бағишланган барча илмий манбаларда бу туркум сўзларнинг муносабат ифодалаш қайд этилган, модал сўзларнинг морфологик жиҳатдан ўзгармас сўзлар эканлиги асослаб берилган.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида модал сўзларнинг туркуми юзасидан турли қарашлар шаклланди. Р.Сайфуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тузилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ўқув қўлланмасида модал сўзлар морфологик бирлик сифатида ажратилмаган. Ўқув қўлланмада модал маъно ифодаловчи бирликлар семантик-функционал шаклланган гап тури сифатида модал сўз-гаплар гуруҳига киритилган. ² И.Мадраҳимов эса модал сўзларни муносабат билдирувчи номловчи лексемалар гуруҳига киритган. ³

Ш.Раҳматуллаев модал сўзларни, жумладан, ундов сўзларни ҳам грамматик маъно ифодалаш ҳамда гап бўлаги вазифасида келмаслиги белгиси асосида ёрдамчи сўзлар гуруҳига киритади. Унинг фикрича, «Модал бирликлар ва ундовларни грамматик бирлик туркумлари бўлгани учун боғловчи ва юклама туркумлари қаторига қўшиш мумкин. Ушбу тўрт туркум учун умумий белги деб уларнинг грамматик маъно ифодалаш ва бирикманинг, гапшаклнинг бўлаги вазифасида келмаслиги» дид. ⁴ Бизнингча, модал сўзларни боғловчи ва юкламалар билан бир қаторга қўйиш унчалик тўғри эмас. Модал сўзлар боғловчи ва юкламалардан фарқли тарзда фақат грамматик вазифаси билан чекланмайди. Модал сўзларнинг айрим турлари диалогик нутқда гапни (сўз-гап вазифасида) шакллантириш учун қўлланади. Бу ҳолат модал сўзларнинг сўз туркумлари парадигмасида алоҳида мавқеи эгаллашидан дарак беради. Бироқ Ш.Раҳматуллаев сўнги йилларда нашр этган дарслигида «Модал бирлик ўз табиатига биноан лексик маъно англатмайди, гапшакл таркибида модал маъно ифодалаб, кириш бўлак вазифасида келади. Диалогда ёлғиз ўзи ишлатилганида ҳам модал бирлик кириш бўлаклик ҳолатини сақлайди, гапшаклга тенг бўлмайди» ⁵ деган хулосани баён қилади. 1975 йилда нашр этилган «Ўзбек тили грамматикаси» китобида эса олим модал сўзларнинг гап вазифасида ҳам қўлланишини эътироф этган эди: «модал сўз диалогларда олдинги фикрга муносабатини ифодаловчи жавоб тариқасида яқка ўзи келганида ҳам кириш сўзлик ҳолатини сақлайди, гап бўлиб келиш эса унинг иккиламчи синтактик вазифаси бўлади» ⁶.

Биз биламизки, кириш сўзлар фақат гап таркибида ажратилади. Модал сўзлар грамматик жиҳатдан гапдан ташқарида кириш сўз вазифасини бажара олмайди. Масалага бу жиҳатдан ёндашилса, диалогда ёлғиз қўлланган модал сўзларнинг кириш бўлак вазифаси ҳақида гапириниш мунозарали. Бизнингча, «– Борасанми? – Албатта» диалогик нутқда иккинчи гап кесимининг (бораман) эллипсисга учраши натижасида модал сўз зиммасига тушириб қолдирилган кесимнинг вазифасини бажариш юклатилади. Бундай вазиятда модал сўз кириш сўз вазифасидан узоқлашиб, кесим каби гапни шакллантириш вазифасини бажаришга ўтади. Шу сабабли «Албатта» модал сўзи орқали гапда нутқ эгасининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда бевосита пропозиция ифодаланади.

¹ Р.А. Камилджанова. Модальные слова в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент. 1975. - 16 с.

² Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, Г.Бокиева, М.Қурбонова, З.Юнусова, М.Абузалова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, 2009. - Б.323.

³ И. Мадраҳимов. Сўзсеркирралигиваунитаснифлашасослари. - Фарғона, 2005. - Б.52.

⁴ Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.121.

⁵ Р.А. Камилджанова. Модальные слова в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент. 1975. - 16 с.

⁶ Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. - Тошкент: Фан, 1975. - Б. 582-590.

Ўзбек тилшунослигида модал сўзлар семантик жиҳатидан турлича таснифланган. Ш.Раҳматуллаев модал сўзларнинг қуйидаги семантик таснифини беради: 1. Фикрнинг аниқлигини ифодаловчи модаллар (фикрнинг ростлиги, реаллиги, қатъийлигини билдирувчи, ишончни, воқеликнинг юзага келиши табиийлиги, фикрнинг чинлиги, реаллигини эслатувчи модаллар). 2. Фикрнинг ноаниқлигини ифодаловчи модаллар (фикрнинг тахминий, гумонли, тусмолли эканлиги билдирувчи, фикрнинг чинлигига гумон ва ишонч ифодаловчи модаллар). 3. Сўзловчининг таажжубини, афсусини ифодалайдиган модаллар. 1

У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевлар томонидан тузилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида ҳам модал сўзлар семантик жиҳатдан деярли шу тарзда таснифланган: 1. Гапда ифодаланган фикрнинг аниқлиги, реаллигини тасдиқловчи модал сўзлар: *албатта, шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат* кабилар. 2. Гапда ифодаланган фикр тахминий, гумон, ноаниқ эканини билдирувчи модал сўзлар: *эҳтимол, чамаси, шекилли, афтидан, ҳайтовур, чоғи* кабилар. 3. Бирор воқеа-ҳодисадан афсусланиш, ажабланиш кабиларни билдирувчи модал сўзлар: *афсуски, аттанг, ажабо* каби. 4. Фикрнинг ўзаро муносабатини ва тартибини билдирувчи модал сўзлар: *демак, хусусан, аксинча, масалан, жумладан, чунончи, бинобарин, хуллас, аввало* каби. 2

Бу тарздаги таснифлар бошқа илмий манбаларда ҳам қайд этилган. Масалан, 1980 йилда нашр этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида модал сўзларнинг қуйидаги таснифи берилган: 1) фикрнинг аниқлигини ифодаловчи модал сўзлар; 2) фикрнинг ноаниқлигини ифодаловчи модал сўзлар. 3) Модал сўзларнинг бу тарздаги семантик таснифи «Ўзбек тили грамматикаси» китобида ҳам такрорланган. 4

И.Мадраҳимовнинг юқорида зикр этилган монографиясида модал сўзларнинг семантик жиҳатдан таснифи анъанавий таснифдан анча фарқ қилади. Олим фонографияда қуйидаги таснифни келтирган: 1. Гумон-тахмин модаллари: *эҳтимол, балки, чоғи, чамаси, шекилли*. 2. Қатъийлик модаллари: *албатта, шубҳасиз, дарҳақиқат, табиий*. 3. Санаш-тартиб модаллари: *аввало, биринчидан*. 5

С.Саидов ўзбек тилидаги модал сўзларнинг маъно жиҳатдан қуйидаги таснифини берган: 1) айтилган фактнинг зарурлигини билдирувчи модал сўзлар; 2) айтилган фактга эмоционал муносабатни билдирувчи модал сўзлар; 3) айтилган фактга муносабатни билдирувчи модал сўзлар. 6

Илмий манбалар таҳлилидан маълум бўладики, ўзбек тили модал сўзларининг семантик таснифида яқдиллик мавжуд эмас.

Инглиз тилшунослигида модал сўзлар модаллиқни, эмоционал ҳолатни билдиради ва лексикмаъносини йўқотади. Модал сўзлар гапларда лексик-грамматик манба бўлиб, морфологик жиҳатдан ўзгармасдир. Модал сўзларга қуйидаги сўзлар мисол бўлади: *perhaps, surely, no doubt, possibly, probably, maybe, really*.

Қиёсий тилшунослиқда модал сўзлар француз ва рус тиллари, немис ва ўзбек тили мисолида соф морфологик аспектда ўрганилган. С.Саидов немис ва ўзбек тилларидаги модал сўзларни қиёсан ўрганиб, бу икки тилдаги модал сўзларнинг ўхшаш ва фарқли белгиларини аниқлаган. 7

ЛОГИК УРҒУ ВА ПРАГМАТИК МУНОСАБАТ

Ғозиева М., ФАРДУ

Туркий тилларга оид лингвистик адабиётларда рус тили учун хос бўлган логик урғу туркий тиллар учун хос эмаслиги алоҳида таъкидланади.

А.К. Боровков ўзбек тилида логик урғунинг моҳияти ҳақида шундай ёзади: “Ўзбек тилида сўзни талаффуз билан, яъни логик урғу билан ажратиш мумкин эмас. Логик урғу ўзбек тилида синтактик воситалар орқали ифодаланади”.

Л.Р.Зиндер интенсивлик актуал бўлинишдаги расмийлаштиришда ҳам иштирок этишини таъкидлайди. “Синтагматик урғу фонетик жиҳатдан маъновий бирликларни бирлиштиришга хизмат

¹ Ш.Раҳматуллаев. Кўрсатилгандарслик. - Б.273.

² У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - Б. 372-374.

³ У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Кўрсатилгандарслик. - Б. 438.

⁴ Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. - Тошкент: Фан, 1975. - Б. 582-590.

⁵ И.Мадраҳимов. Кўрсатилганманба. - Б.67.

⁶ С.Саидов. Модальные слова в немецком и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент. 1964.

⁷ С.Саидов. Кўрсатилган тадқиқот иши.

¹⁴ Аҳманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М.Энциклопедия, 1969-608с.

Darwin, C. The Expression of the Emotions in Man and Animals. London: Harper Collins, 1998.-370 p.

Мустанова Ш.Р. (ТошДЎТАУ ўқитувчиси) Феълнинг деривацион хосилдорлиги, гапнинг номинатив силжиши ва аналитизмнинг ўзаро муносабати.....	60
Ниязова Д. Ф. (СамГИИЯ) Выражение экспрессивности фразеологических единиц.....	61
Нуриддинов Х. (ТошИУ) Актуальные проблемы обучения арабскому языку.....	63
Орипов М.Х. (СамДЧТИ) Корейс ва ўзбек тилларидаги шахс тушунчаси билан боғлиқ паремияларнинг ишлатилиши.....	66
Пазлитдинова Н. (НамДУ) Метафорик фитонимлар.....	67
Попов Д.В. (АндижанскийМСИ) Восточные заимствования в памятниках русской публицистики XVI – XVII веков.....	70
Рахимкулов Ғ. (СамДУ), «Овози Самарқанд» газетасининг тил хусусиятлари.....	72
Гафарова З., (ТИҚХММИ Бухоро филиали) Гапнинг коммуникатив таркиби ҳақида айрим мулоҳазалар.....	75
Рахматова М. С. (СамГИИЯ) Фразеологические единицы- как единицы номинации в речи.....	76
Ризаханова М.Г. (СамДЧТИ) Француз тилида киноя коннотациясига эга фразеологизмлар хусусида.....	77
Ряснянская Н.И. (СамГУ) Структурно-семантическая характеристика основного концепта «доброта», малых концептов и лексического окружения основного концепта.....	79
Сайфуллаев А.И. (ТошДЎТАУ) Предлог ва кўмакчиларнинг контекстуал хусусиятлари.....	82
Собирова Ш. (СамГИИЯ) Особенности значений компаративных фразеологических единиц(на основе материала английского языка).....	83
Сулаймонов Б., (СамДУ) Янги давр ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасидаги ўзгаришлар талқини асослари.....	84
Темиров Ш., Нетьматова Ю. (СамДУ) Ҳисор асосли номлар хусусида.....	86
Тошалиева С. (ТДШИ) Иккиламчи номинациянинг турк тилидаги кўринишларига доир.....	88
Туйчиев С.Э. (СамДЧТИ) Эга ўрнида келган уюшиқ бўлакларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишга доир.....	90
Турдиева Р.У. (ДЖПИ) о фразеологических единицах русского и узбекского языков, структурно равнозначных словосочетаниям.....	91
Тўхтаева Б. (НавДПИ) Киритма ва кўшма гаплар ҳақида айрим мулоҳазалар.....	93
Усенова Г. (НугПИ) Способы передачи некоторых терминов родства в каракалпакском и английском языках.....	95
Халмурадова З.Ш. (СамГИИЯ) Роль контроля в обучении французскому языку.....	97
Хамидов Л.П. (СамДЧТИ) Иқтисодга оид матн сарлавҳаларининг структур ва функционал тавсифи.....	98
Хошимова Н.А. (ФГУ) Исследование концепта в ассоциативных полях.....	100
Шодиев С.Э. (СамДЧТИ) Таркибли ономастик бирликлар, терминлар талқини ва уларнинг деривацион хусусиятлари.....	102
Юсупова З. К. (СамГИИЯ) Многоязычие в современном мире.....	104
Юсупова Ш. Т. (ФарДУ) Инглиз ва ўзбек тилларида зоонимлар иштирок этган мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари.....	106
Якубов Ф. Ж. (СамДЧТИ) “Дискурс”ни изоҳлашга ҳар хил ёндашувлар.....	107
Ғаниева Г. (ТошДЎТАУ) Ўзбек ва инглиз тилларида модал сўзлар: тадқиқи ва прагматик талқини муаммоси.....	109
Ғозиева М. (ФарДУ) Логик урғу ва прагматик муносабат.....	111
Давлатова М. (БухИИ) Функциональная вариативность перформативных глаголов говорения.....	113
Turpiyozov B.N. (f.f.n. Sam DCHTI) Teng komponentli so‘z birikmalarining derivatsion xususiyatlari.....	114
Ahmedova G. (Fergana) The realization of speech act of requesting in english and uzbek languages.....	116
Azamatova G.S. (SamDU) Nemis tilida nisbat konstruksiyali gaplarda va kontekstda bir xil zamon shakllarining qo‘llanilishi.....	117
Daminov N., Ashurova Z. (SamDCHTI) Nutq akustikasining tillarda ifodalanishi.....	118
Dushayev A., Dushayeva G. (GulDU) Til va millatlararo munosabatlar.....	119
Israilova M. (O‘zDJTUI) Xorijlik talabalarga xitoy tili o‘qitishda ertaklarning ahamiyati.....	120
Karimova D.SH. (AndijonMSI) Ingliz va o‘zbek tillaridagi “sabab konseptual semantikasi” va uni voqelantiruvchi verbalizatorlari.....	122